

ЗАРДУШТИЙЛИКНИНГ МУҚАДДАС КИТОБИ “АВЕСТО” ДАГИ АСОСИЙ ФОЯЛар

Т.Б. Норимбетов

п.ф.н. И.А.Каримов номли ТДТУнинг Олмалиқ филиали
“Ижтимоий гуманитар фанлар”кафедраси доценти.

Н.Т. Норимбетова

Тошкент вилояти ҲТБнинг бошланғич таълим бўйича методисти.

АННОТАЦИЯ

Қадимда одамларнинг табиат ва жасамият ҳақидаги тасаввурлари, одатлари ва ўзаро муносабатлари, таълим ва тарбияга оид фикрлари халқ оғзаки ижодида ва қадимги қўллёзмаларда баён қилинган. Бу қадимиий ёдгорликларда яхшилик билан ёмонлик, нур учун зулмат кураши, яхшилик ва баҳт-соадат ҳақидаги фикрлар баён қилинган. Булар энг қадимиий ёдгорлик асар “Авесто”да ёритилган ва бизгача етиб келган.

Калим сўзлар: “Авесто”. Зардуштилик. Купхудолик. Яккахудолик. Ёзув тиллари, Аждодлар мероси. Пиндори Нек (эзгу фикр), Гуфтори Нек (эзгу сўз) Рафттори Нек (эзгу иш ёки эзгу фаолият). Таълим ва тарбия ҳақидаги фикрлар.

ABSTRACT

In ancient times, people's ideas about nature and society, their habits and interactions, their thoughts about education and upbringing were described in folklore and ancient manuscripts. In these ancient monuments, ideas about good and evil, struggle of darkness for light, goodness and happiness are described. These are the most ancient monuments described in the "Avesta" and have come down to us.

Key words: "Avesta". Zoroastrianism. Polytheism. Monotheism. Written languages, Heritage of Ancestors. Pindori Nek (good thought), Guftori Nek (good word) Raftori Nek (good work or good activity). Thoughts on education and training.

КИРИШ

Инсониятнинг ўтмиши унинг тарихи тараққиёти қадим замонлардан то шу кунга қадар турли ривожланиш босқичларини босиб ўтди. Узок ўтмишдаги аждодларимиз қолдирган илмий меросларни ўрганишда биз қўйдаги манбалардан фойдаланишимиз мумкин.

1. Археологик қазилмалар натижасида топилган ашёлар.
2. Халқ оғзаки ва ёзма манбаларида қолдирган бадий мерослар.
3. Буюк алломаларимизнинг ижодий мерослари.

Тадқиқотчилар эрамиздан аввалги минг йилликлар ўртасида Марказий Осиёда пайдо бўлган оромий ёзуви. Сўнгра Македонский истилосидан сунг

юонон ёзуви ва шу билан бир қаторда форсий тилига хос ёзувлар хам қўлланганлигини асослаб берганлар. Аждодларимиз қолдирган ёзма илмий мерослардан бири бу сўзиз “Авесто” саналади. Бу асар оромий ёзуви негизида ёзилган. Бу ёзув негизида “Авесто”дан ташқари Хоразм, Суғд, Рун (Урхун-Енасой) ёдгорликлари ҳам ёзилган. Кейинчалик уйғур ёзуви ва бошқа ёзувлар пайдо бўлган ва таълим тарбиянинг ривожланишига катта ҳисса қўшган. Энг қадимги даврларда таълим ва тарбияга оид қимматли материалларни биз ҳалқ оғзаки ижодидан топамиз. Аиниқса қадимги одамларнинг табиат ва жамият ҳақидаги тасаввурлари, одатлари ва ўзаро муносабатлари ҳалқ оғзаки ижодининг қадимги жанрларидан афсоналар, ривоятлар, достонлар ва эпосларда баён қилинган. Бу жанрларда яхшилик билан ёмонлик, нур учун зулмат билан курашиш олиб борадилар, яхшилик ва баҳт-соадат ўлкаларини яратадилар. Мазкур қаҳрамонларнинг купчилиги инсон қиёфасидаги худолардир. Булар ҳақидаги энг қадимий ёдгорлик асар “Авесто”да ёритилган ва бизгача етиб келган.

Аждодлаимиз томонидан яратилган қадимий анъаналар, афсона ва мифларнинг бугунги кунгача етиб келган энг қадими ёзма манбалардан бири Зардустилик таълимотининг муққадас китоби “Авесто”дир. Бу муққадас қулёзма орқали аждодларимиз томонидан яратилган жуда куплаб афсона ва ривоятлар бизгача етиб келган.

Бу муққадас китоб ким томонидан яратилганлиги ҳақида турли маънбаларда турлича маълумотлар мавжуд. Машхур шарқшунос олим Б.Э. Бертелснинг такидлашича бу асар 1278 йилда Райд Зардушт ибн Баҳром ибн Панжу деган аллома томонидан ёзилган. Замоновий маълумотларга қўра зардустилик Шарқдаги қадимий динлардан бўлиб унинг асосчиси Зардушт саналади ва унинг номи билан аталади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

“Авесто”ни Шарқдаги дастлабки таълим ва тарбия ҳақидаги асар дейишимиз мумкин. Бу асарда инсон шахсининг шаклланишига оид марифий фикрлар тизимини кўрамиз. Кўпчилик тадқиқотчилар бу асарни диний характерга эга бўлиши билан бир қаторда фалсафий, сиёсий, тарбиявий ва адабиёт масалаларини ҳам қамраб олган.”Авесто”да худолар ва қаҳрамонлар тўғрисидаги ҳалқ эпик афсоналарига оид жуда қимматли малумотлар тўплланган. Бу асарда ёритилган худоар ва қаҳрамонлар Марказий Осиё мамлакатлари ва уларга қўшни бўлган Эрон, Афғонистон ерларида тасвирланган. “Авесто”да тасвирланган ўлка ва жойларнинг таърифи ва аломатлари Зардушт дининг шакилланган жойи Амударё хавзаси эканлиги

шухба қолдирмайди. “Авесто”нинг ватани қадимги Хоразм эканлигини тадқиқотчилар Б.Ғофуров Ҳ.Хамидовлар янада аниқроқ тасвиirlайдилар.

Зардушт эрамиздан аввалги VI асрда Хоразмда яшаган Спитама уруғидан бўлган чорвадор оиласида тўғилган. Отаси Паурушаспа, онаси Дугдова от ва туя боқиши билан шуғулланган. Зардушт кўпхудоликка сигиниш, курбонликлар натижасида моллар қирилиб кетаётганлигини ҳамда қабилалар ўртасидаги низоларни кўриб, унинг олдини олишни ўйлади ва кўпхудоликка қарши якка худоликни тарғиб қилади. Кучли хокимят ўрнатиб, ер юзида тинчликни барқарор этиш учун курашади, яхшилик ва эзгулик худоси Ахура Маздани ҳимоя қилади.

Зардушт ўз таълимотини янги дин сифатида таркиб топтиради. Мазкур таълимотнинг моҳиятини “Авесто”да тўлиқ ифодалаб шоҳ Виштаси (Гуштаси) га тақдим этади. Виштасининг фармонига кўра 1200 бобдан иборат “Авесто”ни олтин тахтага ёздириб шоҳ оташкадасига топширилади.

Манбаларда такидланишича “Авесто”нинг китоб ҳолидаги матини эрамиздан олдинги даврларда ўн икки минг ошланган мол терисига олтин харфлар билан битилганлиги келтирилган. Бу нусха Искандар Зулқайнар(Александр Македонский) истилосигача Истаҳр шахри (ҳозирги Тожикистон республикаси С.уғд вилояти Ўратепа шахри) да сакланган. Искандар(Александр) Истаҳрни босиб олгач, “Авесто”даги тиббиёт, нужум, илми ҳикмат соҳаларига оид манбаларни юонон тилига таржима қилдириб, бошқаларини ёқиб юборишини буюрган.

Зардуштийликда аҳлоқийликнинг асоси, саҳоватлилик белгиси – меҳнат деб кўрсатилади, ишёқмаслик барча нуқсонларга сабабчи дейлади. ”Авесто”да кетирилган кўпгина мисолларда инсон меҳнати туфайли барча ёмон ҳислатлардан ёмонликлардан, ёвузликлардан қутилиши мумкин, деган улуг ғоя илгари сурилади.

“Авесто”даги бош ғоя - асосий аҳлоқий учлиқда ифодаланган бўлиб, улар: Пиндори Нек (эзгу фикр), Гуфтори Нек (эзгу сўз) Рафттори Нек (эзгу иш ёки эзгу фаолият) дир. Айирим “Авесто” тадқиқотчилари инсон фикри, сўзлари ва ишларига иккита қарама-қарши куч таъсир кўрсатади деб такидлайди. Барча фикрлар, сўзлар ва ишлар ичида аслида эзгулик ва ёвузлик ётади. Аста секин аҳлоқий тушунчалар шахсий мазмун касб эта бошлайди.

Зардуштилик дунёвий ноз-неъматлардан воз кечиш талаб этилмайди, балки ноз-неъматлардан меъёрида лаззат олиш, инсон ўз ҳаётини “Яхши кун кўриш учун зарур нарсалар мўл-кўлчилигига”, хушчақчақ ва баҳтиёрлик билан

ўтказиши эзгу фикр, эзгу амал, эзгу калом каби учликка амал қилади ва бошқаларни хам шунга тарғиб қилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда “Авесто” да инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри, иши бирлигига катта эътибор берилади. Бу ахлоқий учлик жуда қадимги даврлардан бошлаб ундан кейинги даврларда яратилган барча марифий асарларга асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Бу асарда инсоннинг инсон сифатида маънавий ва моддий камол топиши учун зарур бўлган муайян талаблар ўз ифодасини топиб жамият ва табиат уйғунлиги муҳим ақида сифатида фақат Шарқ халқларининг эмас, Ғарб халқларининг хам муққаддас меъросига айланган.

Юқорида келтирилган тарихий манбааларга асосланиб шуни такидлашимиз керакки, халқимиз тарихи, айниқса тарбияга оид хикматлар хамма вақт халқ педагогикаси бағрида ривожланиб, алломаларимиз ижоди орқали янада ривожланиб халқимизнинг адабий меъросига айланади.

“Авесто”нинг илғор ғоялари бизнинг замонимизда хам ўз ахамиятини йўқатмаган чунки таълим ва тарбия хар доийм жамиятдаги асосий ва муҳим масалаларидан ҳисобланади. “Авесто”даги муҳим хикматлар ҳозирги кунда хам ўз ахамиятини йўқатмаган.

REFERENCES

1. Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётидан лавхалар А.Зуннунов ва бошқ. Тошкент;, Фан . нашр 1996й.
2. Нишонова С. Шарқ ўйғониш даврипедагогик фикр тараққиётида баркамол инсон тарбияси..Док дисс. Тошкент,1998й.
3. Толстов С.П. Ўзбекистонинг қадимги маданияти. Т;, Фан 1944й.
4. Измайлова Л.Э .Народная педагогика:педагогическая возрения народов Средней Азии и Казахстана. М.: Педагогика 1991г.
5. Норимбетов Т.Б. Обычай, обряды и традиции современной семи. Ташкент.2005г.